

Journal of
**Natural
science**

**No5
2021**

<http://natscience.ijspi.uz>



<u>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ</u>	<u>ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ</u>
<p>Бош муҳаррир – У.О.Худанов т.ф.н., доц.</p> <p>Бош муҳаррир ёрдамчиси-Д.К.Мурадова, PhD, доц.</p> <p>Масъул котиб- Д.К.Мурадова</p>	<ol style="list-style-type: none">1. Худанов У.О. – ЖДПИ Табиий фанлар факултети декани, т.ф.н., доц.2. Шылова О.А.-д.х.н., профессор Института химии силикатов им. И.В. Гребенщикова Российской академии наук (ИХС РАН)3. Маркевич М.И.-ф.ф.д. проф Белорусия ФА4. Elbert de Josselin de Jong- профессор, Niderlandiya5. Кодиров Т- ТТЕСИ к.ф.д, профессор6. Абдурахмонов Э – СамДУ к.ф.д., профессор7. Сманова З.А,-ЎзМУ к.ф.д., профессор8. Султонов М-ЖДПИ к.ф.д,доц9. Яхшиева З- ЖДПИ к.ф.д, проф.в.б.10. Рахмонкулов У- ЖДПИ б.ф.д., проф.11. Мавлонов Х- ЖДПИ б.ф.д., проф12. Абдурахмонов Ғ- ЎзМУ фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц13. Хакимов К – ЖДПИ г.ф.н., доц.14. Азимова Д- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (биология бўйича) (PhD), доц15. Юнусова Зебо – ЖДПИ к.ф.н., доц.16. Гудалов М- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (география фанлари бўйича) (PhD)17. Мухаммедов О- ЖДПИ г.ф.н., доц18. Хамраева Н- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (биология фанлари бўйича) (PhD)19. Рашидова К- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц20. Мурадова Д- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (кимё фанлари бўйича) (PhD), доц
<p>Муассис-Жиззах давлат педагогика институти</p>	
<p>Журнал 4 марта чиқарилади (хар чоракда)</p>	
<p>Журналда чоп этилган маълумотлар аниқлиги ва тўғрилиги учун муаллифлар масъул</p>	
<p>Журналдан кўчириб босилганда манбаа аниқ кўрсатилиши шарт</p>	

Жиззах давлат педагогика институти Табиий фанлар факултети

Табиий фанлар-Journal of Natural Science-электрон журнали

[/http://www.natscience.jspi.uz](http://www.natscience.jspi.uz)

УДК 581.9

**МОЛГУЗАР ТОҒ ТИЗМАСИНИНГ ФЛОРАСИДАГИ
ASTERACEAE OILASINING ТАКСОНОМИК ТАҲЛИЛИ.**

Азимова Д. Э., Усмонқулов Қ. Ў.

Жиззах Давлат Педагогика институти

e-mail: dilya_7662323@mail.ru

Аннотация. Дала тадқиқотлари ва Марказий гербарийда сақланаётган гербарийларни таҳлил қилиш натижасида Молгузар тоғ тизмасининг флораси 1255 турдан иборат эканлиги аниқланди. *Asteraceae* оиласи Молгузар тоғ тизмаси флорасида энг кенг тарқалган оилалардан бири бўлиб, 193 тур (15,38%) ни ташкил этади. Тарқалган турлар эндемлиги билан алоҳида эътиборга эга.

Калит сўзлар: флора, қиёсий таҳлил, систематик таҳлил, эндемик.

Аннотация. В результате полевых исследований и анализа гербариев, сохранившихся в Центральном гербарии, установлено, что флора Молгузарского хребта насчитывает 1255 видов. Семейство сложноцветных - одно из самых распространенных семейств во флоре Молгузарского хребта, насчитывающее 193 вида (15,38%). Распространенные виды представляют особый эндемический интерес.

Ключевые слова: флора, сравнительный анализ, систематический анализ, эндемик **Summary.** As a result of field research and analysis of herbariums preserved in the Central Herbarium, it was determined that the flora of the Molguzar mountain range consists of 1255 species. The *Asteraceae* family is one of the most common families in the flora of the Molguzar ridge, with 193 species (15.38%). Distributed species are of particular interest with endemism.

Keywords: flora, comparative analysis, systematic analysis, endemic.

Туркистон тизмаси Зоминсув дарёсининг бошланиш қисмида икки кичикроқ тизмаларга ажралган. Булардан бири Туркистон тоғ тизмасининг шимоли-ғарбий қисми Молгузар деб аталади. Молгузар тизмасининг шимоли-ғарбий давоми Нурота тоғларининг Сангзор дарёсида ҳосил бўлган “Темур” дарвозаси ажратиб туради. Молгузар тизмасининг узунлиги 130 км, энг баланд нуқтаси (Қизилчагат баландлиги) д.с. 2620 м ташкил қилади. Шимоли-шарқий ёнбағирларидан бошланадиган кўпгина сойларининг (Зоминсув, Пишағарсой, Равотсой ва бош.) конус ёйилмалари қўшилишидан пролювиал шлейф вужудга келган. Жануби-ғарбий ёнбағри Сангзор дарёси водийсига тик тушган.

Молгузар тоғининг Туркистон тизмаси билан туташган жойида Зомин миллий табиат боғи ва Зомин давлат кўриқхонаси жойлашган.

Тадқиқот худуди Тоғли Ўрта Осиё провинциясининг Кўхистон ва Нурота (Молгузарнинг энг ғарбий қисми) округларининг таркибига киради [3].

Сўнгги йиллар давомида олиб борилган тадқиқотлар давомида бу ердан фан учун янги бўлган иккита тур – *Allium malguzaricum* F.O.Khass. ined. ва *A. temuri* F.O.Khass. кашф этилган. Шунингдек, Молгузар флорасининг эндем турларининг таркиби келтирилиб, Шимолий Помир-Олойдаги ўзига хос флоралардан бири эканлиги қайд этилган [2,4]. Молгузар тоғларини Кўхистон округи таркибидаги энг кам ўрганилган флоралардан бири эканлигини қайд этган.

Олиб борилаётган тадқиқотларимиз давомида Марказий гербарийда сақланаётган гербарийларни таҳлил қилиш натижасида ва Молгузар тоғ тизмасининг флораси 1255 турдан иборат эканлиги аниқланди.

Молгузар тоғ тизмасининг флорасининг асосий қисмини куйидаги оилалар ташкил қилади: *Asteraceae* (193 тур), *Fabaceae* (144 тур), *Poaceae* (125), *Brassicaceae* (70), *Lamiaceae* (66), *Apiaceae* (56), *Caryophyllaceae* (50), *Boraginaceae* (39), *Ranunculaceae* (38), *Rosaceae* (44), *Liliaceae* ва *Polygonaceae* (28), *Amaryllidaceae* (25), *Cyperaceae* (20), *Euphorbiaceae* (18 тур). Молгузар тоғ тизмаси флорасининг асосий қисмини 10 та оила 744 тур (64,3 %) ни ташкил этди. Турларининг кўплиги билан биринчи ўринда турган оилалардан *Asteraceae*, *Fabaceae* ва *Poaceae* 462 тур (36,81%) ўрин олди.

Молгузар тоғ тизмасининг флорасини ўрганиш билан бир қаторда таркибидаги айрим муҳофаза талаб этиладиган ўсимлик гуруҳларининг тур таркибини аниқлашга, улар популяцияларининг тарқалиши ва замонавий ҳолатини аниқлашга ҳамда зарур муҳофаза чораларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай ўсимлик гуруҳлари орасида қоқиўтдошлар (*Asteraceae*) оиласини алоҳида келтириш мумкин.

Бу оила “Ўзбекистон флораси” [6] нинг энг катта оилаларидан бир бўлиб, ўз таркибига 136 туркумни 597 дан ортиқ турларни олади. Ушбу турларнинг аксарият қисми шифобахш хусусиятли ўсимликлар ҳисобланиб, улар антибиотикларга жуда бой қимматбаҳо доривор ва витаминли, сабзавот ўсимликларидир.

Ўрта Осиёнинг айрим тоғли худудларининг флоралари ҳам *Asteraceae* оиласи турларининг бойлиги билан ажралиб туради. Умумий Помир-Олой тоғларида 77 тури тарқалган бўлиб 12,8 % ташкил қилади.

Тоғли Ўрта Осиёнинг бошқа маҳаллий флоралари билан солиштирадиган бўлсак, ушбу кўрсаткичнинг аҳамиятини кўришимиз мумкин. *Asteraceae* оиласи Молгузар тоғ тизмаси флорасида 193 тур (15,38%) ни ташкил этади. Нурота тоғ тизмасининг флорасида 96 тур 13 %, Зомин кўриқхонаси флорасида 167 тур (14 %) ни ташкил қилади [7].

Молгузар тоғ тизмасининг флорасининг асосий қисмини эгаллаган *Asteraceae* оиласининг асосий таркибини *Cousinia L.* (21 тур), *Artemisia Less.* (19 тур), *Cirsium Mill.* (9 тур), *Jurinea Cass.* (6 тур), *Inula L.*, *Scorzonera L.*, *Tragopogon L.* (5 тур) ни ташкил этади. Шулардан *Cousinia L.*, *Artemisia Less.*, *Cirsium Mill.* туркумлари Молгузар тоғ тизмасининг флорасида тарқалган *Asteraceae* оиласининг 49 тур 25,3%ни ташкил қилади.

Asteraceae оиласининг 81 та эндемик тури бўлиб, 6,45% ни ташкил қилади. Молгузар тоғ тизмаси флорасида учрайдиган турларининг *Anura pallidivirens (Kult.) Tscherneva*, *Cousinia dshisakensis Kult.*, *Cousinia haesitabunda Juz.*, *Cousinia malguzarica Juz.*, *Cousinia horridula Juz.*, *C. chlorantha Kult.*, *Jurinea trautvetteriana Regel et Schmalh.*, *Serratula lancifolia Zakirov* эндемик турлари бор.

Молгузар тоғ тизмаси флорасида тарқалган эндемик турлардан *Cousinia haesitabunda Juz.*, *Cousinia dshisakensis Kult.*, *Anura pallidivirens (Kult.) Tscherneva* турлари Ўзбекистон “Қизил китоби ” га киритилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкин-ки, Молгузар тоғ тизмасининг флораси *Asteraceae* оиласининг турларига бойлиги билан ажралиб туради. Тарқалган турлар эндемлиги билан алоҳида эътиборга эга.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Демурина Е.М. Растительность западной части Туркестанского хребта и его отрогов. Ташкент. Фан. 1975, с. 9-12, 73-129.
2. Камелин Р.В. Кухиستانский округ Горной Средней Азии. Л.: Наука, 1979. 117 с.
3. Тожибаев К.Ш., Бешко Н.Ю., Попов В.А. О проекте ботанико-географического районирования Узбекистана. Материалы конференции Биохилма-хилликни сақлаш ва ривожлантириш муаммолари. Гулистан, 2012. С. 6-10.
4. Хасанов Ф.О., Адилова Н.Н. Редкие элементы хребта Мальгузар. // Экологические проблемы опустынивания в Узбекистане. Материалы международной конференции. Ташкент, 2008. С. 182.
5. Тожибаев К.Ш., Бешко Н.Ю. Кадастр редких и исчезающих видов растений Джизакского и Навоийского вилоятов Республики Узбекистан. В сб.

- Биоразнообразие Узбекистана – мониторинг и использование. Ташкент, 2007. С. 200-207.
6. “Ўзбекистон флораси” 6-том 1962 й
7. Бешко Н.Ю. Флора Нуратинского заповедника: Дис. ...канд. биол. наук. – Ташкент: 1999. – 45-49 с.
8. Эсанкулов А.С. Флора Зааминского государственного заповедника: Автореф. дисс. ... канд. биол. наук. Ташкент, 2012. 19 с.
9. Азимова Д.Э. Молгузар тизмаси флораси: Автореф. дисс. ... канд. биол. наук. Ташкент, 2018. 10 с.
10. Abdullaeva, N. S., Khodzhimatov, O. K., & Azimova, D. E. (2019). The Genus *Dracosephalum* L. in the Phytogeographical Regions of Uzbekistan. *American Journal of Plant Sciences*, 10(09), 1527.
11. Tojibaev, K., Beshko, N., Karimov, F., Batoshov, A., Turginov, O., & Azimova, D. (2014). The data base of the flora of Uzbekistan. *Journal of Arid Land Studies*, 24(1), 157-160.
12. Тожибаев, К. Ш., Бешко, Н. Ю., Азимова, Д. Э., & Тургинов, О. Т. (2015). Особенности распространения видов из секций *Macrocystis*, *Laguropsis* и *Chaetodon* рода *Astragalus* L. на территории Горносреднеазиатской провинции. *Turczaninowia*, 18(2).
13. Tojibaev, K. S., Beshko, N. Y., Azimova, D. E., & Turginov, O. T. (2015). Distribution patterns of species of the genus *Astralalus* L. (sect. *Macrocystis*, *Laguropsis* and *Chaetodon*) in the territory of Mountain Middle Asian province. *Turczaninowia*.
14. Бешко, Н. Ю., & Азимова, Д. Э. (2013). Новые флористические находки в Северо-Западном Памиро-Алае (Узбекистан). *Turczaninowia*, 16(1).
15. Бешко, Н. Ю., & Азимова, Д. Э. (2014). Род *Astragalus* L. во флоре Нуратинских гор и хребта Мальгузар. Сравнительный анализ. *Узб. биол. журн. Спец. выпуск*, 20-21.
16. Beshko, N. Y., & Azimova, D. E. (2013). New floristic findings on the North-West Pamir-Alay (Uzbekistan). *Turczaninowia*, 16(1), 197-203.
17. Азимова, Д. Э., & Бешко, Б. Ю. (2014). ЭНДЕМИЧНЫЕ И РЕДКИЕ ЭЛЕМЕНТЫ ФЛОРЫ ХРЕБТА МАЛЬГУЗАР. *ББК 72 Т33*, 66.